

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ  
ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**903 «Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сонли «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 30 январдаги 2009-05-сонли «Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1911, 2009 йил 25 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 100-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош директор**

**Б. АТАХАНОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 19 июль,  
2017-04-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги  
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашти-  
риш ва ривожлантириш маркази Бош дирек-  
торининг  
2017 йил 19 июлдаги 2017-04-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар  
эгалари реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги  
буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Буйруқда:

1) номи ва 1-банддаги «Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари» деган сўзлар «Қимматли қоғозлар эгаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**».

2. Низомда:

1) номидаги «Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари» деган сўзлар «Қимматли қоғозлар эгаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ акциялар эгалари, корпоратив облигациялар эгалари ва инфратузилмавий облигациялар эгалари реестрини шакллантириш тартибини белгилайди.»

3) 1-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишинча учинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«қимматли қоғозлар эгаларининг реестри** (кейинги ўринларда — реестр) — рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга қўра шакллантирилган, уларга қарашли эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозлар эмитентининг номи, ушбу қимматли қоғозларнинг сони, номинал қиймати, тури ва хили, шунингдек реестрда рўйхатдан

ўтказилган шахсларга ахборот юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхати;

тўртинчи хатбоши «марказий депозитарийсига» деган сўзлардан кейин «(кейинги ўринларда — Марказий депозитарий)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Марказий депозитарийнинг сўровномаси** (кейинги ўринларда — сўровнома) — реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномада кўрсатилган санага қимматли қоғозлар эгалари ва уларга тегишли қимматли қоғозлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисида инвестиция воситачисига берилган кўрсатмани ўз ичига олувчи электрон сўровнома;»;

саккизинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«операция куни** — Марказий депозитарий ёки инвестиция воситачиси регламентида белгиланган иш кундаги депозитар операциялар бажариладиган вақт;»;

тўққизинчи хатбошидаги «бозор иштирокчилари» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«трансфер-агент** — қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш тизимига тааллуқли ҳужжатларнинг қабул қилиниши, уларга ишлов берилиши ва уларнинг ўтказилиши бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс;»;

4) 2 ва 3-бандлар куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Реестр юритиш тизими Марказий депозитарий ва инвестиция воситачиларининг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар йиғиндисидир.

3. Реестр юритиш тизимида қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг олувчига ўтиши қимматли қоғозлар эгаларининг Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиларидаги депо ҳисобварақлари бўйича депозитар операцияларни ўтказиш йўли билан депозитар операциялар стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Қимматли қоғоз билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан олувчига ўтади.»;

5) 4-банднинг биринчи хатбошисидаги «номинал сақловчиларнинг» деган сўзлар «инвестиция воситачиларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 5-банддаги «депозитарийларнинг» деган сўз «Марказий депозитарий ва инвестиция воситачиларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 9-банддаги «эгаси ёки номинал сақловчининг» деган сўзлар «эгасининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) 11-банддан «(қимматли қоғозлар эгаларининг манзиллари ва банк реквизитларидан ташқари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) 12-банддаги «депозитарийларнинг (Марказий депозитарий ва номи-

нал сақловчиларнинг)» деган сўзлар «Марказий депозитарий ва инвестиция воситачиларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 14 ва 15-бандлар куйидаги тахрирда баён этилсин:

«14. Эмитент, трансфер-агент, Марказий депозитарий ва инвестиция воситачиларининг ўзаро ҳамкорлиги қонун ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ амалга оширилади.

15. Марказий депозитарий ва инвестиция воситачиларининг қимматли қоғозларнинг эгаси билан ўзаро ҳамкорлиги шартномага мувофиқ амалга оширилади.»;

11) 22-банднинг биринчи хатбошисидаги «Корпоратив облигациялар» деган сўзлар «Облигация» деган сўз билан алмаштирилсин;

12) 27-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«27. Реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномани бажаришни асосланмаган ҳолда рад этиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.»;

13) 28-банднинг бешинчи хатбошисидан «корпоратив» деган сўз чиқариб ташлансин;

14) 31-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«31. Реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқнома келиб тушгандан кейин Марказий депозитарий тегишли инвестиция воситачиларига сўровномани шартномаларда ўрнатилган тартиб ва шаклда, шунингдек муддатларда юборади.»;

15) 32, 33, 34, 38 ва 71-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

16) 35-банддаги «номинал сақловчига» деган сўзлар «инвестиция воситачисига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 36-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«36. Инвестиция воситачиси қимматли қоғозлар эгалари рўйхатини Марказий депозитарий томонидан белгиланган формат ва таркиб бўйича тақдим этади.»;

18) 37-банддаги «эмитентнинг барча номинал сақловчиларидан» деган сўзлар «тегишли инвестиция воситачиларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) 39-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«39. Реестрни шакллантириш ҳужжатсиз қимматли қоғозлар бўйича топшириқномада кўрсатилган санага Марказий депозитарий ва инвестиция воситачилари ҳисоб регистрларидан қимматли қоғозлар эгалари депо ҳисобварақларидаги қимматли қоғозлар қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш орқали амалга оширилади.

Эгалари номаълум бўлган ёзилмаган ҳужжатсиз шаклга конвертацияланган ҳужжатли қимматли қоғозлар, Марказий депозитарийнинг махсус депо ҳисобварағида умумлаштирилган ҳолда акс этирилади ва Реестрда жойлаштирилган деб ҳисобланади.»;

20) 40-банддаги «Номинал сақловчи» деган сўзлар «Инвестиция воситачиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) 41-банддаги «номинал сақловчилар» деган сўзлар «инвестиция воситачилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) 43, 44 ва 45-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«43. Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шаклантирилган жамият акциядорларининг реестрига ўзгартиришлар фақат мазкур реестр шаклантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни шаклантиришда йўл қўйилган хатоларни тузатиш ҳоллардагина киритилиши мумкин.

44. Қимматли қоғозлар эгаларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва хатоларни тузатиш унга хизмат кўрсатувчи Марказий депозитарий ёки инвестиция воситачисида эгасининг депо ҳисобварағи бўйича қимматли қоғозлар билан зарурий операцияларни ўтказиш қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан бир иш кунидан кечикмай амалга оширилади.

45. Инвестиция воситачиси Марказий депозитарийга қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхатини Марказий депозитарий билан шартномада ўрнатилган тартиб ва шаклда, шунингдек муддатларда тақдим этади.»;

23) 45<sup>1</sup>-банддаги «эмитентнинг барча қимматли қоғозлар номинал сақловчиларидан мазкур эмитент» деган сўзлар «тегишли инвестиция воситачиларидан эмитентнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) 47-банддан «корпоратив» деган сўз чиқариб ташлансин;

25) VI боб номидаги «номинал сақловчининг» деган сўзлар «инвестиция воситачисининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) 61-банднинг учинчи хатбошиси «реестрни шаклантириш тўғрисидаги топшириқномани» деган сўзлардан кейин «Марказий депозитарийга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

27) 62-банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «номинал сақловчилардан» деган сўзлар «инвестиция воситачилардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) 64-банддаги «номинал сақловчилар» деган сўзлар «инвестиция воситачилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) 65-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) 66-банднинг учинчи хатбошисидаги «номинал сақловчи томонидан тақдим этилган» деган сўзлар «инвестиция воситачиларидан олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

31) 67-бандда:

биринчи хатбошидаги «Номинал сақловчи» деган сўзлар «Инвестиция воситачиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидан «кейинчалик муомалада бўлиши ва зарурий ҳужжатларни тақдим этилгунга қадар қимматли қоғозлар эгасининг ҳисобварағидаги ҳаракатни тўхтатиш билан,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

32) 68-банднинг биринчи хатбошисидаги «Номинал сақловчи» деган сўзлар «Инвестиция воситачиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

33) 69-банддаги «Номинал сақловчи» деган сўзлар «Инвестиция воситачиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34) 70-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«70. Агар қимматли қоғозлар эгаси ўзининг анкета маълумотларини ўзгарганлиги тўғрисида ва бу ҳақда ўз вақтида тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, унинг реестрдаги анкета маълумотлари аниқлигига инвестиция воситачиси жавобгар бўлмайди.»;

35) 73-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«73. Эмитент, трансфер-агент, Марказий депозитарий ва инвестиция воситачилари реестрдаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги учун солидар жавобгар бўлади ҳамда ўзининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ту-файли қимматли қоғозлар эгаларига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

Эмитент, трансфер-агент, Марказий депозитарий ва инвестиция воситачиси ўртасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.»;

36) 1-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

37) 2-илова белгиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозлар эгаларининг  
реестри тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА».

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси хусу-сийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Хусусийлаштирилган корхоналарга  
кўмаклашиш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат  
қўмитаси раиси*

**Р. ГУЛЯМОВ**

*2017 йил 19 июль*

«Акциялар эгалари реестри ва  
корпоратив облигациялар эгалари реестри  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги  
буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчаларга  
ИЛОВА

«Қимматли қоғозлар эгаларининг  
реестри тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолати бўйича акциядорлар  
РЕЕСТРИ (операция кунининг якуни)**

*Эмитент тўғрисидаги ахборот:*

Тўлиқ номи:			
Қисқача номи:			
Эмитентнинг типи:			
Жойлашган ери (почта манзили):			
Телефон:	Факс:	Электрон почта манзили:	Веб-сайт:
Давлат рўйхатидан ўтказилган рақами:	Рўйхатдан ўтказилган сана:	Давлат рўйхатидан ўтказган орган:	
Банкнинг номи:		Деп. ҳ/в р:	МФО:
СТИР:		КТУТ:	
Биринчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:	Телефон:	
Иккинчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:	Телефон:	
Устав капитали (шаклланган): (сўмда)			
Чиқарилишнинг ҳажми: (сўм)	Акциялар сони: (дона)		Номинал қиймати:
Чиқарилишларни жойлаштирилган қисмининг (ЖҚ) умумий ҳажми: (сўм)			
<i>Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси тўғрисида ахборот:</i>			
Тўлиқ номи:			
Қисқача номи:			
Жойлашган ери (почта манзили):			
Телефон:	Факс:	Электрон почта манзили:	Веб-сайт:
Давлат рўйхатидан ўтказилган рақами:	рўйхатдан ўтказилган сана:	давлат рўйхатидан ўтказган орган:	
Банкнинг номи:		деп. ҳ/в р:	МФО:
СТИР:		КТУТ:	
Биринчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:	Телефон:	
Иккинчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:	Телефон:	

Ушбу реестр кимга берилган: \_\_\_\_\_  
Реестр берилиши учун асос (топшириқнинг рақами ва санаси): \_\_\_\_\_

Эмитентнинг (акциялар) чиқарилишлари бўйича ахборот:

Чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган рақами	Чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси	Давлат рўйхатидан ўтказган органи	Чиқарилиш рақами	ҚҚ тури	ҚҚ коди	Жойлаштириш тугаган сана	Чиқарилишдаги сони

ЖАМИ:

Эмитентнинг қимматли қоғозлари бўйича ахборот

ҚҚ коди	ҚҚ тури	Қимматли қоғозлар сони		
		жойлаштирилди (эгаларининг ҳисобварағларида)	эмиссиявий ҳисобварағи бўйича қолдиқ ҳаммаси	шу билан бирга жойлаштиришда
				чиқарилишнинг умумий ҳажмида ҳаммаси

ЖАМИ:

Тартиб рақами	Эгасининг тури	Эгасининг депонентлар Ягона базасидаги коди	Эгасининг номи	Акцияларнинг умумий сони	Мажбуриятлар юклатилган оддий акциялар сони	Мажбуриятлар юклатилган имтиёзли акциялар сони	Мажбуриятлар юклатилмаган оддий акциялар сони	Мажбуриятлар юклатилмаган имтиёзли акциялар сони
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Эгасининг СТИР коди	Эгасининг КТУТ коди	Эгасини идентификацияловчи ҳужжат (давлат рўйхатидан ўтказилганлиги)	Ҳужжат рақами	Ҳужжат серияси	Ҳужжат берилган сана	Ҳужжатни берган орган	МҲБТ юридик коди (қайд этилган)	Эгасининг почта манзили (қайд этилган)	МҲБТ жойлашган жой коди (яшаш жойи)
10	11	12	13	14	15	16	17	18	19

Турар жой манзили (яшаш жойи)	Эгасининг телефон рақами	Электрон почта манзили	Чиқарилишларни ЖКдан фойз	Эгасининг депозит ҳисобварағининг рақами	Банкнинг номи	Банкнинг МФО коди	Қўшимча ахборот
20	21	22	23	24	25	26	27

Изоҳ: файл топшириляётганда реестрни шакллантирган шахснинг электрон рақамли имзоси билан имзоланади.



20 \_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ ҳолати бўйича облигациялар эгаларининг  
РЕЕСТРИ (операция кунининг якуни)

*Эмитент тўғрисидаги ахборот:*

Тўлиқ номи:			
Қисқача номи:			
Эмитентнинг тури:			
Жойлашган ери (почта манзили):			
Телефон:	Факс:	Электрон почта манзили:	Веб-сайт:
Давлат рўйхатидан ўтказилган рақами:	Рўйхатдан ўтказилган сана:	Давлат рўйхатидан ўтказган орган:	
Банкнинг номи:		Деп. ҳ/в р:	МФО:
СТИР:		КТУТ:	
Биринчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:		Телефон:
Иккинчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:		Телефон:
Чиқарилишнинг ҳажми: (сўм)	облигациялар сони (дона):		Номинал қиймати:
<i>Қимматли қозғалар марказий депозитарийси тўғрисида ахборот:</i>			
Тўлиқ номи:			
Қисқача номи:			
Жойлашган ери (почта манзили):			
Телефон:	Факс:	Электрон почта манзили:	Веб-сайт:
Давлат рўйхатидан ўтказилган рақами:	рўйхатдан ўтказилган сана:	давлат рўйхатидан ўтказган орган:	
Банкнинг номи:		деп. ҳ/в р:	МФО:
СТИР:		КТУТ:	
Биринчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:		Телефон:
Иккинчи шахснинг Ф.И.Ш.:	Лавозими:		Телефон:

Ушбу реестр кимга берилган: \_\_\_\_\_  
Реестр берилиши учун асос (топшириқнинг рақами ва санаси): \_\_\_\_\_

Эмитентнинг чиқарилишлари бўйича ахборот:

Чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган рақами	Чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси	Давлат рўйхатидан ўтказган органи	Чиқарилиш рақами	ҚҚ тури	ҚҚ коди	Чиқарилишдаги сони

ЖАМИ:

Эмитентнинг қимматли қоғозлари бўйича ахборот:

ҚҚ коди	ҚҚ тури	Қимматли қоғозлар сони		
		жойлаштирилди	эмиссиявий ҳисобварағи бўйича қолдиқ	ҳаммаси

ЖАМИ:

Тартиб рақами	Эгасининг номи	Эгасининг типи	Эгасининг депонентлар Ягона базасидаги коди	Облигацияларнинг умумий сони	Мажбуриятлар юклатилган облигациялар сони	Мажбуриятлар юклатилмаган облигациялар сони	Эгасининг СТИР коди	Эгасининг КТУТ коди
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Эгасини идентификацияловчи ҳужжат (давлат рўйхатидан ўтказилганлиги)	Ҳужжат рақами	Ҳужжат серияси	Ҳужжат берилган сана	Ҳужжатни берган орган	МҲБТ юридик коди (қайд этилган)	Эгасининг почта манзили (қайд этилган)	МҲБТ жойлашган жой коди (яшаш жойи)	Турар жой манзили (яшаш жойи)	Эгасининг телефон рақами
10	11	12	13	14	15	16	17	18	19

Электрон почта манзили	Эгасининг депозит ҳисобварағининг рақами	Банкнинг номи	Банкнинг МФО коди	Чиқарилишдаги фоизи
20	21	22	23	24

Изоҳ: файл топширилаётганда реестрни шакллантирган шахснинг электрон рақамли имзоси билан имзоланади.»